

**“Гидропроект” АЖнинг акциядорларнинг навбатдаги
йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича
Хабарнома**

“Гидропроект” АЖ кузатув кенгашининг 2025 йил 4 июндаги мажлис қарорига асосан 2025 йил 26 июнь куни соат 11:00 да жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва санок комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес - режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича (йиллик) ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятда 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳулосасини кўриб чиқиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2024 йил молиявий - хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини эшитиш.
7. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
9. Аффилланган шахслар билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.
10. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари (МБҲС) ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2025 йил 5 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2025 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат–паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (юримдик шахслар учун–мазкур юримдик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Йиғилиш Ташкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда жойлашган Жамиятнинг маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда. электрон почта: info@gidroproekt.uz, тел: 71-205-80-80